



Ислом Нури

айтадилар» (Имом Бухорий ривояти).

«...
:...
...»
...
...
...
...
...
...»

Абу Саид ал-Худрий ва Абу Хурайра розияллоху анхумодан ривоят қилинади: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «(Жаннат аҳли жаннатга кирганларида) бир фаришта: «Сизлар ҳеч касал бўлмасдан, доим соғ-саломат юрасизлар. Сизлар мангу тирик бўлиб, асло ўлим кўрмайсизлар. Сизлар ҳамиша навқирон бўлиб, сира қаримайсизлар. Сизлар абадий неъматда бўлиб, ҳеч қийналмайсизлар», деб нидо қилади. Бу Аллоҳ азза ва жалланинг ушбу сўзи маъносики: **«Уларга: қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир, деб нидо қилинур»** (Аъроф: 43)» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Жаннат аҳли битмас-туганмас ва давомий неъматлар ичра бўлади, уларда қийналиш ва машаққат чекиш деган нарса бўлмайди. Улар доимий навқирон ва ўзгармас соғлиқ-саломатликда бўладилар. Қалбларида ғиллу-ғашлик, адовату нафрат деган нарсдан асар ҳам бўлмайди. Парвардигорлари ато этган ноз-неъматлардан розилик ва шод-хуррамликда ҳаёт кечирадилар.



Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Жаннат аҳлининг гўзаллиги ва юзларининг ёруғлиги;
2. Жаннат аҳлининг абадий навқирон ва саломат бўлиши;
3. Улардаги ноз-неъматларнинг асло тамом бўлмаслиги, дилларида ҳасад ва ғиллу-ғашлик бўлмаслиги.